

---

## ФАРҒОНАДА ИЛК РАҚАМЛИ БАНК ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ: ВИЛОЯТИМИЗДА ТВС БАНК МИНТАҚАВИЙ ШОУ-РУМИ ОЧИЛДИ

Бугун вилоятимизда илк рақамли банк ўз фаолиятини бошлади. Фарғона шаҳрининг Юксалиш кўчасида Грузиянинг ТВС Банки минтақавий шоу-румнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари - вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи Туробжон Қундузов, “ТВС Банк” АТБ Бошқарув кенгаши раиси Спартак Тетрашвилилар иштирок этишди.

Сўз олганлар вилоятимиздаги мавжуд талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, янги банк фаолият бошлаётганлигини, унинг ўзига хос жиҳатларини айтиб ўтишди. Эътиборлиси, мазкур банк хизматларидан онлайн фойдаланилади. Фойдаланувчилар учун ТВС UZ иловасида рўйхатдан ўтиб, тўлақонли мижозга айланиш, шунингдек, банк картасини олиш борасида малакали мутахассислардан маслаҳатлар олиш имконияти яратилган.

30 йиллик тарихга эга бўлган Грузия ТВС Банкнинг Фарғона шоу-румида ҳозирги кунда 30 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Янги банк иш бошлаши билан вилоятимизда хорижий банклар сони учтага етди ва бугунги кунда жами 22 та акциядорлик тижорат банклари фаолият олиб бормоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-12-23 12:01:26